

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**338 Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга иж-  
тимой ёрдам кўрсатиш тартибига ўзгартиришлар  
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 900-1*

*(2010 йил 2 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) мувофиқ, шунингдек меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширишни янада мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибига (рўйхат рақами 900, 2000 йил 23 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 25 август,  
160-П-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.